

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**АХБОРОТ ХАТИ**

**2023 йил 25 май куни** Тошкент давлат шарқшунослик университети “**Шарқ мамлакатларидаги тарихий жараёнлар ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари**” мавзусида вазирлик миқёсида илмий-амалий конференция ўтказилади.

Конференция Тошкент давлат шарқшунослик университетининг “Шарқ мамлакатлари тарихи ва антропологияси” кафедраси томонидан ташкил қилинмоқда.

Конференция шўъбаларида қуйидаги масалалар муҳокама қилинади:

1. Шарқ мамлакатлари ривожланиши тарихининг назарий ва амалий масалалари.
2. Хорижий тиллардаги манбаларда Шарқ мамлакатлари тарихининг ёритилиши.
3. Ўзбекистоннинг Шарқ мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқалари тарихи.

Конференция бўйича маърузалар тўплами учун **мақолалар 2023 йил 1 майга қадар** Times New Roman 14 шрифтида, 4 бетдан 8 бетгача қоғоз ва электрон нусхада, имло ва баён услуби тўғриланган ҳолда **қабул қилинади**. Саҳифа А-4 форматда юқоридан 2, чапдан 3, ўнгдан 1,5, пастдан 2 см қолдириб, сатрлар оралиғи 1,5 интервал қилиб шакллантирилсин.

Муаллифнинг исми, фамилияси, илмий даража ва унвони, иш жойи, телефон рақами ва электрон почтаси сарлавҳа остида тўлиқ кўрсатилсин.

Мақолаларнинг мазмун ва савияси бўйича танлаш ҳуқуқини ўзимизда сақлаймиз. Мақоладаги факт ва рақамларнинг тўғрилиги учун муаллифлар жавобгар. Кўрсатилган муддатдан кечиктирилган ва талабларга жавоб бермайдиган материаллар тўпламга киритилмайди.

Манзил Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй, 6-қават, 605-хона. Тел: 99-3917708, электрон почта [xorijiysharq@mail.ru](mailto:xorijiysharq@mail.ru)

Тошкент давлат шарқшунослик университети  
Шарқ мамлакатлари тарихи ва антропологияси кафедраси